



## ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Фируза Мухитдинова**

*ТДЮУ профессори, юридик фанлари доктори  
feruza.mukhitdinova@gmail.com*

**Феруза Лутфуллаева**

*ТДЮУ қошидаги академик лицей ҳуқуқ фани ўқитувчиси  
flutfullayeva578@gmail.com*

**Дилрабо Абдусамиева**

*ТДЮУ “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси ўқитувчиси  
dilraboabdusamiyeva@gmail.com*

**Аннотация.** *Мазкур мақолада давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш масалалари, фаол жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва қонун устуворлигини таъминлашдаги аҳамияти таҳлил этилган. Муаллифлар жамоатчилик назорати аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратишган.*

*Янги Ўзбекистондаги ислохотлар ҳеч қачон ортга қайтмайди”.*

**Шавкат Мирзиёев**

*“Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган янги Мамлакат дастури БМТнинг Ўзбекистон учун барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасида ҳамкорлик дастурига тўлиқ мос келади ва Ўзбекистон дунёдаги бундай дастурни қабул қилган биринчи мамлакат ҳисобланади”.*

**Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Г.Райдер**

Жамоатчилик назорати – фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган назорат шаклидир . Бундай назорат воситасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга қай тарзда амал қилаётгани ва уларни қандай ижро этаётганини назоратга олинади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоатчилик назорати фақат алоҳида фуқаролар, аҳолининг турли қатламлари ва кенг жамоатчилик манфаатларига хизмат қилибгина қолмай, балки замонавий давлатчиликни ривожлантириш, давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жамоатчилик назорати қонунларнинг самарали ишлашини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоясини, давлат тузилмаларининг такомиллашувини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, ваколатли давлат органлари фуқаролардан, фуқаролик



жамияти институтларидан келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар асосида мамлакатда изчил ислохотларни амалга ошириш имкониятини беради.

Янги Ўзбекистонни қуриш, халқимизнинг кўп йиллик орзуларини рўёбга чиқариш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият даражасига кўтариш, мавжуд муаммоларга ечим топиш йўлида улўф халқпарвар, демократик мақсадларимизга эриша бошладик.

Маълумки, Ўзбекистонда жамоатчилик назоратини замон талаблари даражасида йўлга қўйиш масаласига фақат сўнгги йилларда жиддий эътибор қаратила бошланди. Чунки мустақил ривожланишнинг дастлабки ўн йилликларида асосий эътибор миллий давлатчиликни шакллантириш, давлат ва бошқарув органлари фаолиятини ташкил этиш, турли соҳалардаги жараёнлар устидан давлат назоратини ўрнатишга қаратилган эди.

Мамлакатда фуқаролик жамиятининг унсурлари ҳам ҳали шаклланмаганлиги, бу соҳада тажрибаларнинг етишмаслиги, янги жамиятнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари шаклланмаганлиги каби долзарб муаммолар мавжуд эди. Чунки том маънодаги фуқаролик жамияти институтлари мавжудлиги жамоатчилик назоратининг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Жамоатчилик назорати механизмларининг пайдо бўлиши турли жамоат ташкилотлари, хилма-хил оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг фаоллиги ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул”лиги белгилаб қўйилган бўлса ҳам, жамоатчилик назорати ҳақида қоидалар йўқ эди. Фақат 2014 йили Конституцияга киритилган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар билан жамоатчилик назорати институтига конституциявий мақом берилди. Жумладан, Асосий қонуннинг 32-моддасига фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилишини назарда тутувчи норма киритилди. Бу эса, ўз навбатида, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширадиган турли фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга оид қонунчилик тизими шаклланишига замин яратди.

2017 йилдан бошлаб мамлакатимизда жамоатчилик назорати институти ривожланишининг янги даври бошланди деб эътироф этиш мумкин. Буни давлатимиз раҳбарининг Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мисолида ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, жамоатчилик назорати юртимизда узоқ тарихий илдизларга эга. Бу институт бизда қадим-қадимдан оқсоқоллар Кенгаши кўринишида намоён бўлиб келган. Бу Кенгашлар маҳаллалардаги ободонлаштириш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш, ҳамиша огоҳ ва хушёр бўлиш, фарзандлар





тарбиясига лоқайд қарамаслик ва бошқа жамоат ишлари билан шуғулланадиган жамоатчилик тузилмаси ҳисобланган.

Бугунги кунда эса, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг самарали фаолият юритишида жамоатчилик назорати омили жуда муҳим аҳамият касб этади. Давлат органлари раҳбар-ҳодимларининг қонунларга қатъий амал қилиб, ўз зиммаларидаги вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишларида бу институтнинг таъсир доираси ниҳоятда юқори.

Шундай экан, жамоатчилик назоратини амалга оширишда, биринчи навбатда, барча фуқароларнинг, қолаверса, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада кучайтириш лозим. Бу борада бугун мамлакатда кечаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга нисбатан масъулият, ташаббускорлик, дахлдорлик ҳислари ҳар бир инсон онгида шаклланиши керак. Биз ҳар қандай қонунбузилиш ҳолатларига мурасасиз бўлсак, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига кўпчилик бўлиб баҳо берсак, ўз фикр-мулоҳазаларимизни эмин-эркин баён этсак, ана ўшанда чинакам қонун устуворлиги таъминланади.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси қисқа фурсат ичида аҳолини ўйлантриб келаётган долзарб масалалар ечимини топиш, давлат бошқаруви органлари билан фуқаролар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берди.

2017 йил 22 декабрида мамлакатимиз тарихида биринчи марта давлат раҳбари томонидан Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномада, жумладан, мамлакатимиз фуқаролари давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикрларини билдиришлари учун интернет тармоғида «Менинг фикрим» деб номланган махсус портал ташкил этиш мақсадга мувофиқ эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Хусусан, демократиянинг илғор механизми сифатида жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартибини жорий қилиш ҳамда бир гуруҳ фуқаролар томонидан илгари сурилган ташаббусларни Олий Мажлис ёки халқ депутатлари Кенгашлари кўриб чиқиши мажбурий экани қонунда белгилаб қўйилиши лозимлиги таъкидланган эди. Ҳозирги кунда фуқароларнинг муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирокини кенгайтириш ҳамда қонун ҳужжатлари ва Президент топшириқларини бажариш бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этишга қаратилган “Mening fikrim” ва “Jamoatfikri.uz” сингари бир қатор веб- порталлар ишлаб турибди.

Шунингдек, 2018 йил 12 апрелда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши фуқароларининг давлат органлари фаолиятиустидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали жамият ва



давлат ишларини бошқаришга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда мустақил фуқаролик институтларини ривожлантириш, давлат органларининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан комплекс чоратadbирларни белгилагани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”

2020 йил 16 апрелдаги Фармони жамоатчилик назоратини янада ривожлантириш борасида фаолиятни сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришда жиддий аҳамият касб этадиган муҳим ҳужжат бўлди. Жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини кучайтиришга қаратилган бундай долзарб қонунларни қабул қилиш билан бир қаторда ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган кўплаб қонун ҳужжатларига давр талабидан келиб чиқиб, муҳим ўзгаришлар киритилди.

2019 йил 29 августида бир қатор муҳим қонунларга, хусусан, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Бюджет кодексига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ўзгартиришларга мувофиқ, Ўзбекистон фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларига юқорида кўрсатилган қонун ҳужжатлари тартибга солувчи соҳаларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Қонунда давлат органларининг, улар мансабдор шахслари-нинг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун нодавлат ноижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик эшитувларини ўтказишлари мумкинлиги белгиланган бўлса-да, бу норманинг ҳам амалиётда ишлатилиши ниҳоятда суст кечган. Жамоатчилик фикрини ўрганиш институтидан эса, фақатгина санокли нодавлат ташкилотлари фойданишган, холос .

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур жамоатчилик назорати институтларининг қўлланилишини жонлантириш, янги институтларни жорий





қилиш устида ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Демократик ислохотларни амалга оширишда давлат органларининг масъулиятини янада ошириш, шунингдек, очиқлик, шаффофлик ва жамоатчилик назорати механизмларини кенгайтириш ва самарали рўёбга чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқида “Биз Конституциямизда муҳраб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш ғоясига содиқ қолган ҳолда, кенг кўламли ишларни амалга оширдик ва бу борада катта тажриба орттирдик.

Инсоният илмий-технологик даврга қадам қўйди. Жаҳонда кескин трансформация жараёнлари ва рақобат кучаймоқда. Эртанги кунини ўйлаган халқлар ва давлатлар ўз келажаги ҳақида бугун ҳар қачонгидан ҳам жиддий бош қотирмоқда. Бир сўз билан айтганда, “Инсон қадрини учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур. Яъни, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туриши керак.

Ана шундай талаблардан келиб чиқиб, қуйидаги устувор йўналишларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчи йўналиш – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи. Шу боис инсон қадрини юксалтириш ҳақиқатда давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт.

Янгиланаётган Конституциямизда ушбу тамойиллар аниқ ифода этилиши, ўзининг мукамал ҳуқуқий ечимини топиши зарур. Иккинчи йўналиш – Асосий қонунимизда “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойилни мустаҳкамлашни таклиф этаман.

Чунки “инсон қадрини” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу ғоянинг туб негизиде ҳам аввало инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассамдир.

Маълумки, ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат принциплари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиб беради. У – ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

Учинчи йўналиш – эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиши билан боғлиқ масаладир.



Бизнинг халқимиз учун жамият, аввало, маҳалладан бошланади. Маҳалла – асрлар давомида миллий урф-одатларимиз ва бой маънавиятимизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши кўшничлик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда.

Тўртинчи йўналиш – Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш масаласидир.

Ҳуқуқий давлат – инсониятнинг минг йиллар мобайнидаги машаққатли меҳнати эвазига шаклланган тараққиёт ғояси ва буюк кашфиётидир.

Фақат ҳуқуқий давлат шароитидагина инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини тўлиқ таъминлаш, том маънода халқпарвар бошқарув тизимини шакллантириш мумкин.

Ҳуқуқий давлат – демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлатдир.

Шу маънода, мен “Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат” деган ғояни Конституциямизда аниқ мустаҳкамлаб қўйишни таклиф этаман» - деганлари мазкур мавзунинг вазифаларини янада оширдик, давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бориш имкониятини берувчи янги платформа ишга туширилади.

Шу ўринда жамоатчилик назоратининг судлар фаолиятидаги ўрни ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Кейинги вақтларда Ўзбекистонда ишларни сайёр суд мажлисларида кўриб чиқиш амалиёти изчил йўлга қўйилгани, ўз навбатида, судларда қонуний, асослантирилган ва адолатли суд қарорлари чиқарилишига хизмат қилмоқда.

Маълумки, судларда жиноят ишларининг адолатли тарзда кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишида жамоатчиликнинг иштирок этиши Конституцияда белгилаб қўйилган. Унинг 32-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. «Судлар тўғрисида»ги Қонунда эса, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ҳамда ҳудудий ҳарбий судлар таркибида халқ маслаҳатчилари иштирок этиши назарда тутилган.

Албатта, халқ маслаҳатчиларининг судлардаги иштироки шахс, жамият ва суд ҳокимияти ўртасидаги ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлаши баробарида, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим омили ҳамдир. Шу билан бирга, суд органлари фаолиятининг шаффофлигини янада таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш, айниқса, одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтириш борасида ҳали қилиниши





лозим бўлган ишлар бор. Бу борада халқаро амалиёт ва ривожланган давлатлар тажрибасини атрофлича ўрганиш ва мақбул жиҳатларни Ўзбекистон суд тизимига татбиқ этиш фойдадан холи бўлмайди.

Масалан, Францияда вояга етмаганлар томонидан содир этилган оғир жиноятлар 3 нафар малакали судья ва 9 нафар суд маслаҳатчиси иштирокида кўрилади. Мабодо, судья суд маслаҳатчиларисиз, ўзи якка тартибда вояга етмаганларнинг жиноий ҳаракатларига доир ишларни кўрадиган бўлса, бу ҳолда судья судланувчига нисбатан фақат тарбиявий ва назорат чораларинигина қўллаш ҳуқуқига эга, холос. Англияда эса, суд маслаҳатчилари қотиллик жиноятларини, табиий бўлмаган ёки гумонли ўлим ёки ўлимнинг сабаби аниқланмаган ҳолатларни текширишда иштирок этади. Японияда халқ судьялари оғир жиноят ишларининг муҳокамасида судья сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга. Бунда судлов ҳайъати таркиби олти нафар халқ судьяси ва уч нафар профессионал судьядан иборат бўлади. Айбланувчи халқ судьясидан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Европанинг аксарият давлатларида эса, суд маслаҳатчилари профессионал судья билан шахснинг айбдор ёки айбсизлиги, шунингдек, судланувчига жазо чорасини белгилаш билан боғлиқ масалани биргаликда ҳал этади.

Умуман, одил судловни амалга ошириш жараёнида жамоатчилик назоратидан кўзланган мақсад — муайян суд иши юзасидан адолатли ва холис суд қарорларининг чиқарилишига эришишдан иборат.

Мухтасар ифодалаганда, жамоатчилик назоратининг асосий қуроли – бу қонун. Жамоат ташкилотлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонунларга қай тарзда амал қилаётгани ва уларни қандай ижро этаётганини назорат қилади. Жамоатчилик назоратининг хулосалари ижро ҳокимиятининг фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, хатоларни тузатиш, халқчилликни таъминлашга хизмат қилади.

Фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссининг ортиши ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнининг муҳим шартларидандир. Яъни, давлат органлари аҳолига ўз сиёсати, ҳаракатларини тушунтириб бериши, халқ олдида мунтазам равишда ҳисобот бериб бориши бугунги замон талабидир.

2023 йил 1 январдан бошлаб давлат томонидан, шу жумладан вазирлик ва идоралар томонидан ҳар қандай танловлар (конкурслар, олимпиадалар)ни ўтказиш мақсадида инсон омилини истисно қилувчи ва жамоатчилик иштирокини назарда тутувчи “Шаффоф танлов” ягона электрон платформасини яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ислохотларнинг янги босқичида давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги



ва уларнинг жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнларда фуқаролар иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз илгари сурган «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» ҳамда «Қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши лозим» сингари ғоялар жамиятимизда жамоатчилик назоратининг таъсир доирасини янада кенгайтиришга, аҳолининг муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида бевосита иштироки фаоллашувига хизмат қилмоқда.

#### ХУЛОСА

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

Биринчидан, демократик давлат – халқ давлат сиёсатининг йўналишини аниқлаш, унинг органлари ва мансабдор шахслари фаолиятини назорат қилиш ва ушбу даврда ҳокимиятни амалга ошириш учун масъул бўлган сиёсий бирлашмалар ва сиёсий арбобларни баҳолаш учун энг олий (суверен) ҳуқуқ ва ҳақиқий (реал) имкониятларга эга бўлган давлат.

Иккинчидан, янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида давлат ва жамият қурилишини том маънода «юқоридан пастга» – горизонтал эмас, балки «пастдан юқорига», яъни вертикал тизимда йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бу тизим ҳар жиҳатдан самарали бўлиб, давлатнинг децентрализация қилиниши демократик давлат қуришда муҳим аҳамияти касб этади.

Учинчидан, “Ҳокимиятнинг бўлиниши ва ўзаро бир-бирини тийиб туриши” принципи давлат бошқарувида ўз аксини чинакам маънода топиб бормоқда;

Тўртинчидан, жамият ва давлат бошқарувида кенг жамоатчилик ҳамда фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштириб борилмоқда.

Демак, бихниг фикримизча, ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бормоқда. Тараққиёт стратегиясида белгиланган “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” принципини ҳаётга татбиқ этиш бўйича конституциявий нормани мустаҳкамлаш масалалари илмий тадқиқотлар даражасига кўтарилган долзарб вазифадир. Буларнинг барчаси ижтимоий давлатнинг вазифаси нафақат унинг ижтимоий, балки иқтисодий функциялари билан ҳам боғлиқлигини кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда таклифимиз: Конституциянинг 39- моддасида давлат ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиши бўйича норма бўлиши керак. Модданинг кейинги хатбошисида эса “тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан” деган сўзларни “энг кам истеъмол харажатларидан” деб ўзгартириш тўғри бўлади.

1. Жаҳон тажрибаси кўплаб демократик ҳуқуқий давлатларда бозор иқтисодиёти муносабатлари амал қилишини кўрсатади. Шу сабабли амалдаги Конституцияда жамият ва давлатнинг иқтисодий негизларини белгилашда





бозор муносабатларининг барча иштирокчилари – истеъмолчилар, тадбиркорлар ва давлатнинг вазифаларини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ;

2. Юртимизда фаолият олиб бораётган 9 минг 200 дан ортиқ нодавлат ноижорат ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий ҳаёт, маданият ва таълим борасидаги мақсадларга эришишда муҳим вазифани бажармоқдаки, мазкур институтларнинг: маҳалла, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ва бошқа жамоат бирлашмаларининг мақомини Конституциявий асосини янада мустаҳкамлаш лозимлигини давлатимиз раҳбари ҳам бежиз таъкидламадилар. Биз ҳам мазкур таклифни инobatга олиниши тарафдоримиз.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

#### **I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон

1.2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-474-сон Қонун. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

1.3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва



эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.01.2021 й., 06/21/6143/0052-сон

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига шарҳ. URL: <https://lex.uz/docs/3331174>

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сонли Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.05.2022 й., 06/22/142/0453-сон

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-89-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрдаги «2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ф-5-сон фармойиши. URL: <https://lex.uz/docs/5738084?otherlang=#5740917>

II. Китоб ва туркум нашрлари:

2.1. Ҳусанов О.Т. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари. – Т.: Университет, 1994. – 132 б.

2.2. Азизхўжаев А.А. Демократия халқ ҳокимияти демакдир. – Т.: Шарқ, 1996. – 226 б.

2.3. Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари/Монография. – Т.: «LESSON PRESS», 2018. – 16-б.





- 2.4. Саидов А.Х., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси/ – Т., 2001. – 236-б.
- 2.5. Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2016. –260 бет.
- 2.6. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – 320 б.
- 2.7. Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. –Тошкент: ТДЮУ, 2018.
- 2.8.